

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

5340100 - иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) йўналиши 08.463-гуруҳ битирувчиси
Абдулазизов Миркамолжон Махамадали ўғлининг

"Агросаноат мажмуасида бозор муносабатлари ва мажмуа
тармоқларида унинг ривожланиш
хусусиятлари"

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Б.Холмирзаев

Фарғона-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
1-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА МАЖМУА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ЖИХАТДАН ШАКЛЛАНИШИ.....	11
1.1. Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва хусусиятлари.....	11
1.2. Агросаноат мажмуаси тармоқларида мулкӣ муносабатлардаги ўзгаришлар ва мулкӣ муносабатларнинг шаклланиши.....	19
1.3. Агросаноат мажмуаси тармоқларининг таркибий жиҳатдан тузилиши..	23
2-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРМОҚЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ТАРМОҚЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ.....	36
2.1. Ўзбекистон, жумладан, Фарғона вилояти деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши ҳамда унда хизмат кўрсатиш тизимининг ўрни.....	36
2.2. Фарғона вилоятида мева ва сабзавотларни қайта ишлаш саноатининг хом-ашё базасини яхшилаш масалалари.....	46
3-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ..	50
3.1. Агросаноат мажмуаси тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда шартномаларнинг ўрни ва мулкӣ жавобгарлик.....	50
3.2. Агросаноат мажмуаси корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда банк кредитларининг ўрни ва уларни такомиллаштириш.....	54

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	67

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг самараси кўп жihatдан агросаноат мажмуаси ва унинг тармоқларини ривожланиш даражасига боғлиқ. Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий кудратини юксалтиришда агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни катта. Агросаноат мажмуаси тармоқлари фаолиятининг асосий функцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан ўзаро боғланган тизимнинг мақсадга мувофиқ, бир меъёردа барқарор ишлашини таъминлаш, пировардида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишдан иборат. Мажмуада бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий механизмларни яратиш, маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг энг самарали ва мақбул шаклларини вужудга келтириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Республикамизда вужудга келган иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг асосий шартларидан бири Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини йилдан-йилга ошириб борилишидир. Бу эса мамлакат агросаноат тизими таркибига кирувчи тармоқлар саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи ишлаш ва қайта ишлаш тармоқларини тубдан юксалишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси мустақиллик йилларида чуқур таркибий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни бошдан кечирди. Олиб борилган ислохотлар натижасида бозор

муносабатлари ривожлана бошлади. Бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни бу соҳани ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида фермер хўжаликларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнига алоҳида эътибор билан қараб: “2008 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди.

Дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истикболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташкил этилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди.

Хозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда”¹ – деб кўрсатиб ўтганлар.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Агросаноат мажмуаси соҳаларининг таркиби, жумладан, қишлоқ хўжалиги бозори учун асосий товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар бўлган деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, самарадорлигини ошириш масалалари бир қатор олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Юқоридаги масалалар иқтисодчи олимлар Б.Салимов, Р.Ҳақимов, Т.Ҳамдамов,

¹ Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2009. 21 бет.

А.Абдуғаниев, Б.Беркинов, Н.Ўрақов ва бошқалар томонидан яратилган иқтисодий адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда ўз аксини топган.

Мавзунинг илмий янгилиги. Битирув малакавий иши мавзусининг илмий янгилиги тўғрисида тўхталганда, кўрилган аввалги адабиётларда АСМ бозор инфратузилмаси ҳақида, асосан, республикамизнинг умумий ҳолати бўйича хулосалар чиқарилган. Биз эса Фарғона вилоятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мавзунинг ёритишга ҳаракат қилдик.

Битирув малакавий ишининг бажаришдан **асосий мақсад** қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганган ҳолда, бозор муносабатларининг Фарғона вилояти мисолида самарали ташкил этиш ва ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларининг аниқлашдан иборат.

Битирув малакавий ишининг бажаришда қуйидаги **асосий вазифалар**ни бажариш мўлжалланган:

1. Аграр соҳада бозор муносабатларининг моҳиятини назарий жиҳатдан ўрганиш;
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ўрганиш ташкилотларининг маълумотлари асосида деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаолиятининг баҳолаш;
3. Фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг амалий маълумотлар асосида таҳлил қилиш;
4. АСМ да бозор муносабатларининг ривожлантиришнинг самарали йўналишларининг аниқлаш ва белгилаш.

Битирув малакавий ишининг **назарий-методологик асосларининг** Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлис сессияларининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республикамиз Президентининг фармонлари ва қарорлари, асарлари ва маърузалари ҳамда матбуотда эълон қилинган илмий-назарий адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқот ишининг объекти – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида, жумладан, Фарғона вилоятида бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиш ҳолатидир.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши ва унинг қисқача баёни. БМИ кириш, учта боб ва хулоса қисмидан, шунингдек, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 5 та чизма, 4 та жадвал ва 3 та расмни ўз ичига олгани ҳолда баён этилган.

Кириш қисмида танланган мавзунинг бугунги кундаги долзарблиги асосланиб, уни бажаришдан асосий мақсад ва вазифалар келтириб ўтилган.

Биринчи бобда АСМ тармоқларининг таркиби, уларда мулкӣ ва бозор муносабатларининг ташкил топиши ва шаклланиши ёритиб берилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланишида хизмат кўрсатиш тизимининг ўрни, уларнинг маҳсулот етиштириш самарадорлиги статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Учинчи бобда АСМ да бозор муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари шартномалар ҳамда кредит тизимларидан фойдаланиш асосида ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида эса мавзу бўйича ўрганилган назарий ва амалӣ маълумотлар асосида АСМ да бозор муносабатларини такомиллатириш, самарадорлигини ошириш бўйича хулосалар берилиб, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА МАЖМУА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ЖИХАТДАН ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг самараси кўп жихатдан агросаноат мажмуаси тармоқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қудратини юксалтиришда агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни катта. Агросаноат мажмуаси тармоқлари фаолиятининг асосий функцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан ўзаро боғланган тизимнинг мақсадга мувофиқ, бир меъёردа барқарор ишлашини таъминлаш, провардида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишдан иборат. Мажмуада бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий механизмларни яратиш, маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг энг самарали ва мақбул шаклларини вужудга келтириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи, ягона мақсадларга бўйсундирилган, технологик жихатдан устун даражада бир-бири билан боғланган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Иқтисодий фан мамлакат, ҳудуд ва маҳсулот турлари бўйича “агросаноат мажмуаси” тушунчаларини фарқлайди. Шунга кўра агросаноат мажмуаси:

- Мамлакат агросаноат мажмуаси;
- Худуд агросаноат мажмуаси;
- Ихтисослашган (гўшт, сут, дон, сабзавот ва полиз каби маҳсулот турларини етиштириш билан шуғулланувчи) агросаноат мажмуаларидан иборат.

Ихтисослашган агросаноат мажмуалари иккига бўлинади. Биринчиси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Иккинчиси ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Бу агросаноат мажмуаларининг ҳар иккаласи ҳам алоҳида олинган товарлар (маҳсулотлар) бўйича агросаноат мажмуаларини ташкил этади.

Мамлакат агросаноат мажмуасига қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи заводлар, омухта ем заводлари, минерал ўғитлар тайёрловчи заводлар ва х.з.), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи (пахта заводлари, донни қайта ишловчи элеваторлар, гўшт, сут комбинатлари, жун заводлари, пиллани қайта ишловчи заводлар ва бошқалар), қайта ишловчи ва тайёр, охирги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва хизматлар киради. Бундан ташқари, ушбу жараёнларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ҳам унинг таркибига киради.

Худуд агросаноат мажмуаси эса маълум бир худуд (иқтисодий худудлар, вилоятлар, воҳалар, баъзан туманлар) доирасида амал қилади. Уларнинг таркибига айрим корхона ва тармоқлар (республика мақомига эга бўлган, мамлакатнинг барча худудлари учун хизмат кўрсатадиган) кирмаслиги мумкин. Масалан, агарда трактор ёки комбайн ишлаб чиқарувчи завод ўша худудда жойлашмаган бўлса, регион агросаноат мажмуаси таркибига кирмайди.

Агросаноат мажмуасининг таркибини 4 та соҳага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу соҳалар қуйидагилардир:

Биринчи соҳа. Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, маъданли ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, чорвачилик учун омехта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналар кабилар киради.

Иккинчи соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади ва мажмуанинг бошқа соҳасига кировчи тармоқлар, асосан, шу тармоқ маҳсулотлари асосида фаолият юритадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги ўз навбатида ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларига бўлинади. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табiiй озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик киради.

Учинчи соҳа. Бу соҳа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат. Озиқ-овқат саноати, пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, каноппи, пиллани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибини ташкил этади.

Тўртинчи соҳа. Бу соҳа агросаноат мажмуаси инфратузилмасидан иборат. Инфратузилманинг ўзи иккига бўлинади. Биринчи қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир. Мамлакат агросаноат мажмуасининг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1-чизма. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг таркиби.



Манбаа: Р.Хакимов, М.Отакулов ва бошқалар. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”. Т.: 2004 й.

Ана шу 4 та соҳага кирувчи тармоқлар бирлашиб, мамлакатнинг ягона агросаноат мажмуасини ташкил этади. Агросаноат мажмуасининг таркиби жуда мураккаб бўлиб, у турли омиллар таъсирида даврлар ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши натижасида, талаб ва таклиф асосида айрим тармоқлар, соҳалар йўқ бўлиб бошқалари шаклланади ва ривожланади. Агросаноат мажмуасининг таркибини ўзгаришига қишлоқ хўжалиги фаол таъсир кўрсатади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги таркибида юз берадиган ўзгаришлар агросаноат мажмуаси таркибининг ўзгаришига олиб келади. Мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган конъюктуранинг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Анъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган ҳудудларда турли сабабларга кўра таркибий ўзгаришлар юз бериб туради. Чунки бозор қонуниятларига кўра ҳар бир давлат ишлаб чиқариш таркибини шакллантираётганда ўзининг абсолют ва нисбий устунлигини аниқлаб олиши лозим. Акс ҳолда рақобатда енгиледи ва бу кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни юзага чиқаради. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида доимий равишда ихтисослашиш жараёни такомиллашиб боради. Бу эса ўз навбатида мамлакат ёки ҳудуд агросаноат мажмуаси таркибини такомиллашишига олиб келади.

Агросаноат мажмуасининг таркибининг ўзгаришига олиб келадиган сабаблардан яна бири табиий-иқлим шароитларида юз берадиган ўзгаришлардир. Табиий-иқлим шароитларнинг ўзгариши қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш таркибида ўзгаришлар юз беришини талаб қилади. Чунки минтақадаги табиий-иқлим шароити айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни умуман ёки қисман чеклаб қўяди. Табиий-иқлим шароит қишлоқ хўжалигининг айрим маҳсулотларини етиштириш учун ноқулай бўлса бу муаммони иссиқхоналар ёрдамида ҳал этиш мумкин. Лекин бу маҳсулотларнинг таннархи нисбатан юқори бўлади ва бунинг иқтисодий натижаларга таъсири одатда салбий бўлади. Агросаноат мажмуасининг таркибига фан, техника ва технологиянинг таъсири ҳам катта. Фан, техника

ва технологиянинг ривожланиши одатда мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодийнинг ривожланиш қонуниятлари таъсирида агросаноат мажмуасининг таркиби такомиллашиб боради. Ўзбекистон Республикасида асосий эътибор агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасининг имкон даражасида ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги техникалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган, сақлайдиган соҳалар техникаларига талаб катта. Ҳозирги кунда республика агросаноат мажмуаси ушбу техникаларнинг салмоқли бир қисмини хориждан келтиришга мажбур бўлмоқда.


Республика агросаноат мажмуаси мустақиллик йилларида чуқур таркибий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни бошдан кечирди. Олиб борилган ислоҳотлар натижасида бозор муносабатлари ривожлана бошлади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши бозорнинг таркибини белгилайди. Бозорнинг таркибининг шаклланиши кўплаб омилларга боғлиқ. Жамладан, мулк шакли ва хўжалик юритиш усуллари, товар ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар сони, баҳоларни назорат қилиш даражаси, тармоққа кириш ва чиқишда қўйиладиган тўсиқлар, муносабатларнинг ривожланганлик даражаси, давлат сиёсати ва бошқалар бозорнинг таркибига таъсир кўрсатади. Агросаноат мажмуаси бозори таркиби қуйидагича ифодаланади:

Иқтисодий адабиётларда бозорнинг амал қилиш механизмлари, унга давлатнинг аралашуви даражасига қараб уч турдаги бозор типи фарқланган. Буларга: ривожланмаган бозор, эркин бозор ва тартибга солиниб туриладиган бозорлар киради. Ривожланмаган бозор – бу бозорда олди-сотди жараёнлари кучли ривожланмаган, одатда оддий товар айрибошлаш жараёни юз беради. Бу бозорда товарларнинг натурал айрибошланиши (бартер) кўпроқ амалга оширилади. Бу бозор тўйинмаган ҳисобланади. Эркин бозор – бу рақобатли бозор ҳисобланади. Бу бозорда жуда кўплаб кичик ва катта товар ишлаб

чиқарувчилар иштирок этади ва уларнинг бирортаси ушбу товар нархини ўзгартиришга сезиларли таъсир эта олмайди. Товарлар эркин сотилади. Амалиётда бундай бозорлар кам учрайди. Тартибга солиб туриладиган бозор – бу бозорнинг фаолиятига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар билан давлат аралашиб (тартибга солиб) туради.

2-чизма. Агросаноат мажмуаси бозори таркиби.



Манбаа: Р.Ҳакимов, М.Отакулов ва бошқалар. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”. Т.: 2004 й.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат асосий ташаббускор тамойилига амал қилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тез ривожланиб бормоқда. Қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари хом ашёси ва озиқ – овқат бозорини таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин. (3-чизма)

3-чизма. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёси ва озиқ – овқат бозорининг таркиби.



Манбаа: Р.Хакимов, М.Отакулов ва бошқалар. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”. Т.: 2004 й.

1.2. Агросаноат мажмуаси тармоқларида мулкый муносабатлардаги ўзгаришлар ва мулкый муносабатларнинг шаклланиши

Мулккий муносабатлар ҳар доим юридик қонунларда қайд этилади, бусиз мулкчилик амал қилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётини негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини давлат қафолатлайди”² – деб ёзилган.

Мулк иқтисодий категория бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларини ва улар ёрдамида ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнларида яратилган моддий неъматларни ўзлаштириш ва эгалик қилиш муносабатларини ифодалайди.

Мулкчилик муносабатлари объектив ва субъектив муносабатлардир. Ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитлари, инсон ҳаёти (ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи), шунингдек, ишлаб чиқариш натижалари (моддий реъматлар ва хизматлар) объект сифатида қабул қилинади. Субъект сифатида эса инсон ассоциациялари, меҳнат жамоалари, давлат ва давлат муассасалари майдонга чиқади.

Ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитларига ва ишчи кучига бўлган мулкчилик ишлаб чиқариш омилларининг тенглигини таъминлайди. Улар ишлаб чиқариш жараёнида бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, ҳаракатда бўлмайди.

Мулкчилик муносабатлари доимо ривожланишдадир. Жамият ривожланиб боргани сари мулкчилик муносабатлари ҳам ўзгариб, такомиллашиб бораверади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикада мулккий эркинлик вужудга келди. “Мулк тўғрисида”ги Қонунда хусусий мулкка рухсат берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент – “Ўзбекистон” – 1992-йил, 18-19 бетлар.

моддасида: “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир”³ – деб ёзилган.

Мулк Ўзбекистон Республикасида қонунга биноан қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1. Хусусий ҳамда шахсий мулк. Бу шаклдаги мулк эгаси ўз мол-мулкига хусусий, шахсий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига эга. Хусусий ҳамда шахсий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнати ва ёлланма меҳнатни қўллаши орқали шаклланади.

2. Ширкат (жамоа) мулки. Бу мулк таркибига қишлоқ хўжалигида жамоа корхоналарининг, ширкат ва оила мулки ҳисобланган фермер, деҳқон хўжаликларининг, ижара корхоналарининг ҳамда бирлашмаларнинг мулклари киради.

3. Аралаш мулк. Бу мулк турли хилдаги мулкчилик шаклларининг ўзаро манфаатли уйғунлашиши натижасида шаклланади. Жумладан, республика қишлоқ хўжалигидаги жамоа, ширкат ва давлат мулкчилигига асосланган хўжаликларнинг чет эллардаги корхоналар билан бирикиб фаолият юритиш мақсадида ташкил этган қўшма корхоналари.

4. Давлат мулки. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган давлат корхоналарининг мулки.

5. Бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар мулки. Мулкчиликнинг бу шаклига асосланган ҳолда чет давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган мустақил корхоналарни ёки ўз бўлимларини, ваколатхоналарини ташкил этишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорларнинг мулкӣ ҳуқуқ объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бино ва иншоотлар, уй-жойлар;

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент – “Ўзбекистон” – 1992-йил, 19 бет.

- куч ва ишчи машиналар, жиҳозлар;
- транспорт воситалари, асбоб-ускуналар;
- ҳисоблаш, компьютер техникалари;
- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари;
- ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- кўп йиллик дарахтлар (боғлар, тоқлар, тутлар);
- етиштирилган маҳсулотлар;
- пул маблағлари, қимматли қоғозлар;
- ёнилғи, ёқилғи ва ёғловчи материаллар;
- маҳаллий ва минерал ўғитлар, кимёвий воситалар;
- ем-хашак, озуқа, кўчат, уруғликлар;
- ишчи-хизматчиларнинг қобилиятлари ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бош бўғинларидан бири давлат тизимидаги мулкни хусусийлаштириш билан боғланган. Хусусийлаштириш иқтисодий тушунча бўлиб, мулкка эгалик ҳуқуқини давлатдан фирмалар ва алоҳида шахсларга берилишини билдиради. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 1- моддасида:

“Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхона ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, маъсулияти чекланган жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхона ва ташкилотларга айлантиришдир”.

“Хусусийлаштириш фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олишдир” - деб ёзилган.

Хусусийлаштириш - бу мулкни, иқтисодиётдаги давлат секторини давлат тасарруфидан чиқариш жараёнидир. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин тадбиркорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

Хусусийлаштириш асосан уч йуналишда олиб борилади:

1. **Акциялаштириш.** Юқорида айтиб ўтилганидек, корхона ёки хусусийлаштирилиши керак бўлган бирор объект бахоланиб, шунга асосан акция чиқарилади ва халққа сотилади. Акционерлик жамиятининг қонунига асосан акциянинг контрол пакети эгаси ёки низомга асосан маълум фоиз акция эгаси корхонани бошқаради.

2. **Аукцион - ким ошди савдоси.** Бунда бирор-бир объект аукцион асосида сотилади.

3. **Кейинчалик хусусийлаштириш мақсадида ижарага бериш.** Бунда мулк ижарага берилиб, маълум вақт ўтгач, бутунлай ижарачига сотилади.

1992 йилгача республикамиз қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган мулкнинг 99,9 фоизини давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этарди, қишлоқ аҳолисининг шахсий мулки эса жуда ҳам кам миқдорда эди. Бундай ҳол бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермасди. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли шакллари ва эркин мулк муносабатлари мавжуд бўлиши, бунда хусусий мулкчиликнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилиши лозим эди. Бу масалани ҳал этиш учун ҳуқуқий асослар яратилди: “Мулк тўғрисида”, “Ижара тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлар, қарорлар ва фармонлар қабул қилинди. Шуларга асосланган ҳолда тармоқда босқичма-босқич мулкчиликнинг қуйидаги турлари ташкил этилди: а) чекланган миқдорда давлат мулки сақланиб қолинди; б) жамоа мулки, унинг турлари кенг миқёсда ташкил этилди; в) хусусий, шахсий мулк ҳам ривожлантирилди; г) аралаш (қўшма) мулкнинг ташкил этилишига имконият яратилди.

Юқорида қайд этилган мулкчилик шаклларининг ҳажми қишлоқ хўжалигида ҳам босқичма-босқич ўзгариб борди. Давлат мулкининг ҳажми, салмоғи қисқариши ҳисобига жамоа, шахсий, қўшма ва хусусий мулк шаклларининг миқдори ва салмоғи ортиб борди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1992 йилда Республикада 224 та давлат хўжаликлари (совхозлар) иқтисодий аҳволи ёмон

бўлганлиги учун жамоа хўжалигига, уларнинг мулки эса жамоа мулкига айлантирилди.

2003 йилнинг бошига келиб, барча жамоа хўжаликлари негизида 1866 та ширкат хўжалиги ташкил этилди. Кейинчалик эса туманлар миқёсида фермер хўжаликлари уюшмалари тузилди. 2003 йилда Фарғона вилоятидаги Ёзёвон туманида, Бухоро вилоятидаги Ромитан туманида, Сирдарё вилоятидаги Меҳнатобод ва Музробод туманларида фермерлар уюшмаси ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги чорвачилик фермаларини сотиб олишда давлат сотиб олувчиларга имтиёзли (фоизсиз) кредитлар ҳам берди. Натижада қишлоқда мулкдорлар синфи вужудга келиб, уларни давлат ўз ҳимоясига олди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кейинчалик ҳам ривожлантирилиб, такомиллаштирилиб борилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда юртимизда қишлоқ мулкдорларининг ривожланиши учун ҳар томонлама шароитлар яратилган бўлиб, улар мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, халқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

1.3. Агросаноат мажмуаси тармоқларининг таркибий жиҳатдан тузилиши

Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган соҳа унинг 1-соҳаси ҳисобланиб, у мураккаб таркибга эга. Бу соҳага агросаноат мажмуасига кирадиган барча тармоқлар учун керакли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради. Маълумки, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Иқтисодиётнинг қайси соҳаси бўлмасин юқори унумли, сифатли ишлайдиган ва кам харажат талаб қиладиган техникалар ва

бошқа ишлаб чиқариш воситаларига зарурат сезади. Агросаноат мажмуасида асосий масала қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳисобланади. Демак, бу борада асосий эътибор ҳақли равишда қишлоқ хўжалигига берилиши зарур. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги учун тракторлар, дон ўриш комбайнлари, экинларни экиш, кўп йиллик ўтларни ўришни амалга оширадиган техникалар, махсус юк автомобиллари, куч берувчи машиналарга орган ва ишчи машиналар ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналари агросаноат мажмуасининг 1-соҳаси таркибига киради.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, сақловчи, қайта ишловчи ва сотиш билан шуғулланувчи тармоқларда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини яратадиган тармоқ ва корхоналар ҳам 1-соҳанинг таркибини ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун техникалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги учун маъданли ўғит ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам 1-соҳага киради. Республикада қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун маъданли ўғит ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланган бўлиб, ишлаб чиқарилган маъданли ўғитларнинг бир қисми экспорт ҳам қилинмоқда.

Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга. Унинг ривожланганлик даражаси умумий агросаноат мажмуасининг ривожланишини белгилайди. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш объектив зарурат ҳисобланади. Уни ривожлантириш мамлакатни саноатлашган давлатга айлантиради. Аҳолини иш билан таъминлашни яхшилайти ва унинг турмуш даражасини оширади. Бир сўз билан айтганда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлайди.


Агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини унинг 2-соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқлар айнан қишлоқ хўжалиги билан боғланган. Уларнинг айримлари қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариб, етказиб берса, бошқалари қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни тайёрлайди, уларни қайта ишлайди ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беради. Кўплаб соҳалар эса шу тармоқларнинг бир меъёردа ишлаши учун хизматлар кўрсатадилар.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

2011 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда (1-расм).⁴

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ўқув қўлланма. Т.: - 2012.



1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, (фоизда).

Ўтган 2005-2011 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилда 105,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 106,6 фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2011 йилда 17,1 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало, мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг аҳамияти тўғрисида мухтарам президентимиз И. Каримов қуйидагиларни айтиб ўтганлар: “Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ва бошқаларни (булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. ... Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислохотларнинг дастлабки босқичида

ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади”⁵.

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасини жадал ва барқарор ривожланишининг асоси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги қуйидаги сабабларга кўра агросаноат мажмуасининг асосий бўғини, ядроси ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасига кирувчи саноат тармоқлари ишлаб чиқараётган ишлаб чиқариш воситаларининг асосий истеъмолчиси. У саноатнинг бу тармоқлари олдиган қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариши лозимлиги тўғрисида талабларни қўяди;
- ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми қайта ишлаш тармоқлари корхоналарининг жойлашишига ва ривожланишига асос бўлади;
- саноатда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситаларининг самарадорлиги қишлоқ хўжалигида юзага чиқади;
- қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги охир оқибатда агросаноат мажмуасида меҳнатнинг унумдорлиги даражасини белгилайди;
- қишлоқ хўжалигида маҳсулот ва ишлар таннархи агросаноат мажмуаси маҳсулотлари таннархининг даражасини белгилайди;
- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг саноатлашиши уни қайта ишлаш тармоқлари билан интеграциялашувининг асоси ҳисобланади.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Чунки қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этган соҳа бўлиб, у қуйидаги функцияларни бажаради:

- мамлакатмизни озиқ-овқат фондини шакллантиради;

⁵ И. Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент - “Ўзбекистон” - 1995, 59-бет.

- юртимизнинг озиқ-овқат соҳасидаги мустақиллигини, хавфсизлигини таъминлайди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат учун ҳомашё етказиб беради;
- аҳолини иш жойлари билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳага кирувчи тармоқларни ривожлантириш республика иқтисодиёти учун жуда зарур. Мамлакатда амалга оширилган ислохотларга қарамадан қишлоқ жойлардаги аҳолининг маҳсулотларини сотиб оладиган ва улар учун керакли таворларни етказиб берадиган тизим етарли даражада ривожланмаган. Бу масалага тўхталиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов: “Ҳалигача қишлоқда бир томондан, фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотларни шартномавий нархларда сотиб оладиган иккинчи томондан, қишлоқ аҳолисига зарур товарлар, асбоб-ускуна ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган”⁶ - деган эди. Қишлоқда бундай тизимнинг етишмаслиги, мавжудларининг самарали ишламаслиги тармоқнинг самарадорлигига салбий таъсир этади. Етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисмининг нобуд бўлишига олиб келади. Маҳсулотнинг ўз вақтида сотилмасдан қолган иккинчи бир қисми эса анъанавий усулларда қуритилади, консервация қилинади. Бу маҳсулотлар асосан, оила мақсадлари учун ишлатилади ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган оилаларнинг даромадининг қисман кам бўлишига сабаб бўлади.

Бу борада айниқса, вино, шарбатлар, мева, сабзавот консервалари, гўшт ва сут маҳсулотларидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш асосий йўналишлар сифатида қаралиши зарур. Бу борада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кичик корхоналар қуриш ва уларни ривожлантириб бориш катта

⁶ И.А.Каримов “Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз”. “Халқ сўзи” газетаси, 2004 йил 10 февраль.

самаралар беради.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат саноати ҳам яхши ривожланган тармоқлар қаторига киради. Республика озиқ-овқат саноати қуйидаги тармоқларни ўз ичига олади:

- бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари. Буларга: ун-крупa, ёғ-мой, крахмал, сут, гўшт, чой, шакар, виночилик учун хом ашё маҳсулотларни тайёрлаш саноати каби тармоқлар киради;
- озиқ-овқат саноати корхоналарининг маҳсулотларидан кенг фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар. Буларга: мева-сабзавот саноати корхоналари, сут ва гўшт маҳсулотларидан консервалар ишлаб чиқарувчилар, пиво ва вино ишлаб чиқариш саноати корхоналари киради;
- нон ва нон маҳсулотлари, макарон, салқин ичимликлар, қандолатчилик, колбаса, рафинадланган қанд, озиқ-овқат концентратлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар;
- балиқ ва бошқа сув ҳайвонлари маҳсулотларини қайта ишловчи стационар корхоналар;
- туз ишлаб чиқариш корхоналари.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ва қайта ишлаш саноати чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига, истеъмолчиларга етказиб беришда биржаларнинг аҳамияти ва ўрни ошиб бормоқда. Республикада агросаноат мажмуаси маҳсулотларини сотишни такомиллаштириш, бу борадаги ишларни бозор талабларига мослаштириш мақсадида Республика Агросаноат Биржаси (РАСБ) ташкил этилган.

Республика Агросаноат Биржаси (РАСБ) қуйидаги вазифаларни бажаради:

- АСМ маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш натижаларини сотиш, жумладан, ташқи бозорга чиқариш;
- АСМ корхоналари таъминоти билан шуғулланиш;

- Божхона, омборхона, реклама ва ташиш хизматларини амалга ошириш;
- Маркетинг фаолиятини юритиш ва бошқалар.

Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси унинг 4-соҳаси ҳисобланади. Агросаноат мажмуасининг катта бир қисми унинг инфратузилмасидан иборат. Унинг ривожланишига Республика Президенти ва ҳукумати катта аҳамият бериб келмоқда. Бу борадаги фикрларини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов: “Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур”. Ушбу фикрларни ривожлантириб, “Фермерларга механизация хизматлари бўйича кўрсатилаётган ёрдамни кенгайтириш, уларни маъданли ўғит, сифатли уруғлик ва кичик технологиялар билан таъминлаш, тегишли ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг хизмати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарур”⁷ - деб таъкидлаган эдилар.

Инфратузилма – лотинча сўз бўлиб, қуйида жойлашган, хизмат кўрсатувчи деган маънони беради. Инфратузилма – ишлаб чиқариш жараёни самарали амал қилиши учун зарур хизматларни кўрсатувчи йўналишлар (соҳалар)ни ўз ичига олади. Унинг асосий вазифаси ишлаб чиқаришнинг самарали ишлаши учун хизмат қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг узликсиз, бир меъёрга ишлаши учун шароит яратишдан иборат.

Инфратузилма жуда катта ва мураккаб таркибга эга. Шу сабабли агросаноат инфратузилмаси иқтисодий фан томонидан асосан икки қисмга бўлиб ўрганилади. Биринчи қисмга агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси киради. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси агросаноат мажмуасининг энг зарур қисми бўлиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг мавжудлиги ва бир меъёрга фаолият кўрсатишига боғлиқ. Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмасига қуйидагилар киради:

⁷ И.А. Каримов. “Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз”. Тошкент. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2002 йил 16 февраль.


- транспорт тизими ва йўллар;
- алоқа тизимининг ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган қисми;
- банк ва молия бозорининг тегишли қисми;
- қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш тизими;
- қишлоқ жойларда электр энергиясини узатиш линиялари;
- илмий – ишлаб чиқариш лабораториялари;
- зооветеренария хизматлари;
- ирригация ва мелиорация хизматлари;
- ёқилғи ва мойлаш материаллари таъминоти ташкилотлари;
- маъданли ўғитлар, кимё ва қишлоқ хўжалигини зарур кимёвий воситалар билан таъминлаш тизимлари;
- биологик хизмат кўрсатиш тизимлари корхоналари;
- консалтинг хизматлари ва бошқалар.

Инфратузилманинг ўзига хослиги шундаки, бир хизмат турининг ўзи бир пайтда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда ижтимоий инфратузилма бўлиши мумкин. Масалан, йўллар ишлаб чиқаришга хизмат қилиш пайтида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобланади. Лекин улар аҳолининг эҳтиёжлари учун барчага беминнат бир хилда хизмат кўрсатадиган ижтимоий хизмат тури ҳамдир. Шу сабабдан йўллар ижтимоий инфратузилмага ҳам киради. Шунгдек, алоқа ва транспорт тизимлари ҳам ишлаб чиқариш ёки ижтимоий инфратузилма бўлиши мумкин. Кейинги йилларда умумий тараққиёт натижасида агросаноат мажмуаси инфратузилмаси ҳам ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни бир-бирига янада яқинлаштиради, мажмуанинг самарали ишлаши учун шароитларни яхшилашга олиб келади.

Бизнинг фикримизча, агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги (фермер ва деҳқон хўжаликлари) корхоналарига бозор инфратузилмаси хизматлари кўрсатиш бўғинлари таркибини қуйидаги тартибда таснифлаш

маъқул бўлар эди (4-чизма).⁸

4-чизма. Агросаноат мажмуаси бозор инфратузилмасининг хизматлар кўрсатиш бўғинлари таркиби.



Мамлакат агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ишлаб чиқариш инфратузилмасисиз агросаноат мажмуасида мўътадил фаолият юритиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришнинг узликсиз

⁸ Агросаноат мажмуасида бозор инфратузилмаси хизматларининг долзарблиги. Марказий банк Бухоро вилоят Бош бошқармаси бошлиғи М.Р.Абдуллаев, БухДУ К.Б.Дилмонов, “Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш”. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 18-19 апрел, 2005 й. 117-121 (118 бетда).

ташқил этилишини таъминлайди. Агарда ҳар бир корхона барча иш ва хизматларни ўзи бажаришга ҳаракат қилса, бу жуда қимматга тушади.

Агросаноат мажмуаси, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланишига кўплаб омиллар ва мавжуд шароитлар таъсир кўрсатади. Жумладан, минтақанинг тупроқ-иқлим шароитлари, ернинг рельефи, сув билан таъминланиши, йўлларнинг мавжудлиги, ҳолати ва магистрал йўлларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш объектларининг (корхоналар, фирмалар) жойлашиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар ва бошқалар. Ушбу омиллар таъсирида қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси шаклланади ва ривожланади.


Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси жуда кенг таркибга эга. Бугунги кунда инсон ҳаётини енгиллаштиришга, унинг вақтини тежашга ижтимоий инфратузилманинг таъсири катта. Инфратузилма аҳолини иш билан таъминлашда ҳам нисбатан жуда катта имкониятларга эга. Ижтимоий инфратузилма ҳалқнинг турмуш даражасини кескин оширадиган соҳалардан биридир. Агросаноат мажмуасини ривожланишини ижтимоий инфратузилмасиз тасаввур этиш қийин. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасига қуйидаги соҳалар киради:

- аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими;
- йўловчи ташиш тизими;
- алоқа хизмати;
- уй – жой хўжалиги;
- мактабгача таълим тизими;
- таълим тизими;
- соғлиқни сақлаш тизими;
- аҳолини табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш тизимлари;
- спорт-соғломлаштириш тизими;
- коммунал хизматлар;

- маданий –маиший хизматлар тизими ва бошқалар.

Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси маълум мақсадларга йўналтирилган бўлиб, ҳудудий жойлашуви, ишлаб чиқаришда иштирок этиш хусусиятларига кўра таснифланади. Ижтимоий инфратузилмани хизмат кўрсатиш объектларига кўра икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмасини куйидагича ифодалаш мумкин (5-чизма).

5- чизма. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг таркиби.



Манбаа: Б.Салимов, Н.Ўраков. “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” Т.: ТДИУ, 2004 й

Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси ўз моҳиятига кўра, инсонларнинг турмушини енгиллаштирадиган соҳадир. Уларнинг асосий мақсади – инсонни жисмоний ва маънавий қобилиятларини, кучиларини қайта тиклаш ва уларнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат кўрсатишдир.

Мамлакатимизда, унинг ҳудудларида агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг ривожланиш даражаси турлича. Йирик шаҳарлар ва йирик транспорт узелларига яқин жойлашган ҳудудларда агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси нисбатан яхши ривожланган. Бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, янгидан янги ижтимоий инфратузилма хизмат турлари вужудга келмоқда. Айрим турлар эса йўқолиб бормоқда. Бу, умуман олганда, тўғри қонуниятдир.

Демак, агросаноат мажмуаси ишлаб чиқаришининг самардорлигини ошириш, умуман, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига олиб келади. Инфратузилманинг ривожини кўп жиҳатидан у давлат томонидан қўллаб – қувватланишига боғлиқ. Чунки ижтимоий инфратузилманинг шундай йўналишлари мавжудки, уларни бирорта ишбилармон ўз фаолият турига айлантира олмайди. Масалан, қишлоқ жойларидаги асосий кўчаларни кечаси ёритадиган чироқлар, аҳоли дам оладиган парк (боғлар), ўт ўчирувчилар ташкилотини юритиш харажатлари кабилар ишбилармон фаолияти бўйича ҳеч қачон ўзини оқламайди. Шундай экан, бу харажатларни давлат томонидан қоплаш зарурияти бор. Ҳамма фойдаланадиган бу турдаги ижтимоий харажатларга давлат томонидан қилинадиган сарфлар миқдори ҳам ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг бир йўналишидир.

2-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРМОҚЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ТАРМОҚЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ

2.1. Ўзбекистон, жумладан, Фарғона вилояти деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши ҳамда унда хизмат кўрсатиш тизимининг ўрни

Деҳқон хўжаликлари - аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари негизида вужудга келган хўжалик юритиш шаклларидан биридир. Деҳқон хўжалиги ички истеъмол ва майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ кичик тадбиркорлик фаолияти жумласига киради. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 604-1-сонли “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида деҳқон хўжалигига қуйидагича таъриф берилган: “Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади”.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига бирга яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Деҳқон хўжалиги ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Дехқон хўжалиги, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 598-1- сонли Қонуни билан тасдиқланган «Ер Кодекси»га кўра аҳолига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаси негизда вужудга келади.

2. Дехқон хўжалигида мулк эгалиги ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг хусусий мулки бўлганлиги туфайли, улар бу мулкни яхши сақланиши ва кўпайиб боришидан манфаатдордирлар. Бу эса уларда мулкдан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади.

3. Дехқон хўжалигида меҳнатнинг характери ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Дехқон фақат ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган эркин, ижодий меҳнатдагина ўзининг қобилиятлари ва маҳоратини тўлалигича намоён эта олади.

4. Дехқон хўжалигининг асосини жамиятнинг бошланғич таянч бўғини - оила ташкил этади. Оилавий хўжаликда ўзгача ижтимоий ва маънавий муҳит мавжуд бўлиб, бу ерда ҳар бир шахснинг манфаати бутун оила манфаати билан қўшилиб кетади. Бунда меҳнат жамоаси вакилларининг бир-бирига бўлган ишончи юқорилиги сабабли, ҳар бир киши умумий оила фаровонлиги йўлида виждонан ва сифатли маҳнат қилади, меҳнат ва унинг натижаларини қадрлашга ўрганади, ўзаро ёрдам ва шахсий жавобгарлик хислатларига мослашади. Айниқса 2012 йилни “Мустақкам оила йили” деб эълон қилиниши деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун алоҳида аҳамият касб этади.

5. Дехқон хўжалиги асосан ички истеъмол ва қисман бозорга йўналтирилган майда хўжалик сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан бўлади. Бундай хўжаликлар бозор ҳолатидаги озгина ўзгаришни ҳам тезда илғаб, бозордаги истеъмолчилар талабига мос таклиф билан чиқишга интилади. Дехқоннинг маҳсулотига ўрнатиладиган баҳо бозорда, харидорлар томонидан ўрнатилиши туфайли, унинг учун маҳсулот сифатини харидорлар дидига мослаштиришдан бошқа иложи қолмайди. Бу ҳолатлар бир томондан аҳолини зарур маҳсулотлар билан ўз вақтида, керакли

миқдорда ва сифатда таъминлаш имконини яратса, иккинчи томондан бозорлар мўл-кўлчилиги шароитида баҳоларнинг аста-секин арзонлашиб боришига сабаб бўлади.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари мақомини теранлаштирди ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини белгилаб берди. Ушбу қонунга кўра аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари деҳқон хўжалиги сифатида қайта номланди ва унинг моҳияти, мақоми, фаолият кўрсатиши асослари ҳамда тадбиркорлик субъекти сифатидаги хусусиятлари аниқ белгилаб берилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тартиби тасдиқланди.

Ҳозирги кунда деҳқон хўжаликлари икки йўналишда ривожланмоқда:

1. Юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари.

2. Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари.

1-жадвалда Фарғона вилоятидаги деҳқон хўжаликлари ҳақида қисқача умумий маълумотлар берилган:

№	Шаҳар ва туманлар номи	Фарғона вилояти деҳқон хўжаликлари ҳақида маълумот						
		2011 йил якуни бўйича деҳқон хўжаликлари сони, бирлик	2010 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Шулардан, юридик шахс мақомини олганлар, бирлик	2010 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Уларга бириктирилган ер майдони	2010 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан деҳқон хўжаликлари улуши, %
	Вилоят бўйича	578918	100,1	3680	104,5	71,3	100,1	62,7
	<i>шаҳарлар</i>							
1	Марғилон	24015	100,0	165	98,2	1,5	100,0	100,0
2	Фарғона ш.	24953	100,0	27	103,8	1,8	100,0	86,7
3	Қувасой	13519	100,6	59	103,5	1,9	100,3	51,7
4	Қўқон	22234	100,0	14	82,4	1,3	100,0	97,8
	<i>туманлар</i>							
5	Бағдод	35041	100,0	221	102,3	5,1	100,0	58,0
6	Бешариқ	36766	100,0	84	102,4	5,0	100,0	56,8
7	Бувайда	36716	100,0	154	121,3	40,6	100,0	63,3
8	Данғара	30612	100,0	473	103,3	3,8	100,0	62,2
9	Ёзёвон	20659	100,0	174	101,8	3,3	100,0	56,3
10	Олтиариқ	35464	100,0	243	95,7	4,7	100,0	71,5
11	Риштон	34073	100,0	319	98,8	4,3	100,0	61,7
12	Сўх	13446	102,6	25	96,2	1,4	101,8	64,8
13	Тошлоқ	31262	100,0	352	105,1	4,6	100,0	61,5
14	Учкўприк	35266	100,0	202	110,4	4,9	100,0	64,6
15	Фарғона т.	41418	100,4	243	105,2	5,1	100,5	53,9
16	Фурқат	22789	100,0	278	116,3	3,0	100,0	55,0
17	Ўзбекистон	44007	100,1	75	125,0	5,1	100,4	61,6
18	Қува	41090	100,0	396	105,6	5,2	100,0	56,4
19	Қўштепа	35588	100,0	176	100,6	4,7	100,0	61,4

Манбаа: Фарғона вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари.

Статистик маълумотларга кўра, 2012 йил бошига Фарғона вилоятида жами 578918 та (2011 йил бошига нисбатан 0,1 % ўсган) деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 3680 таси (2011 йил бошига нисбатан 4,5 % ўсган) юридик шахс мақомига эга. Уларга бириктирилган жами ер майдони 71,3 минг га ни (2011 йил бошига нисбатан 0,1 % кўпайган) ташкил этади. Деҳқон хўжаликлари вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 62,7 фоизини етиштириб бермоқдалар.


Юртимизда фермер хўжаликлари ривожининг биринчи босқичи — 1992-1998 йилларни камраб олиб, бу даврда фермер хўжаликлари, асосан меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ҳудудларда, жамоа хўжаликлари раҳбарларининг қарорига асосан, жамоа хўжалигининг балансида бўлган ер участкаларида ташкил этилган эди.

Бу пайтда мамлакатимизда 21 мингтадан кўпроқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларнинг умумий ер майдони 498 минг гектар ёки ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер участкаси 19,6 гектарни ташкил этган. Ҳатто, айрим пахта-ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари 1-3 гектар майдонда тарқоқ ҳолда деҳқончилик қилган. Янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг фаолиятини юритишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиш замон талаби эди.

Шунинг учун ҳам иккинчи босқич — фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш босқичи бўлди. 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди ва шулар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун тўла ҳуқуқий асос яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан 1999-2001 йиллар давомида 68 та зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз, паст рентабелли ширкат хўжаликлари негизида 4 000 дан кўпроқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида фермер хўжаликларининг

ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари бу турдаги хўжалик юритиш шаклининг самарали ҳамда ҳукуратимиз томонидан бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини исботлади.



2-расм.⁹ Фермер хўжаликлари сонининг оптималлаштириш натижасида ўзгариши.

Учинчи босқич – фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш босқичи бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида»ги қарорига асосан Ёзёвон, Мирзаобод ва Меҳнатобод туманларидаги зарар билан ишлаётган 83 та ширкат тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди, бу ўз самарасини берди. Шу тариқа мамлакатимизда 2004 йилдан фермерликни кенг тарғиб этиш даври бошланди. 2004—2007 йиллар давомида республикамизнинг барча ҳудудларида ширкат хўжаликлари тўлиқ тугатилиб, улар негизида 215 776 та фермер хўжаликлари ташкил этилди.

⁹ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ўқув қўлланма. Т.: - 2011.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, шунингдек, 2009 йил 22 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди, жумладан, ер майдонлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, фермер хўжаликларининг фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, 2011 йил якунига кўра, республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 66134 тага ёки 69,4 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205 гектарга тенг бўлмоқда.

2-жадвалда Фарғона вилоятидаги фермер хўжаликлари ҳақида қисқача умумий маълумотлар берилган:

№	Шаҳар ва туманлар номи	Фарғона вилояти фермер хўжаликлари ҳақида маълумот								
		2011 йил якуни бўйича фермер хўжаликлари сони	2010 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Уларга бириктирил ган ер майдони	2010 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Уларда ишлайдига н ходимлар сони	2010 йил якунига нисбатан % ҳисобида	01.01.12 йилгача фаолиятини тутатган хўжаликлар сони	2010 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Вилоятда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан фермер хўжалилари улуши, %
	Вилоят бўйича	7752	100,2	337030	100,2	208022	102,8	74	45,7	35,5
	<i>шаҳарлар</i>									
1	Марғилон	-	X	-	X	-	X	-	X	X
2	Фарғона ш.	67	98,5	2602	104,0	834	101,6	1	50,0	11,7
3	Қувасой	662	90,1	14874	101,6	8295	105,5	4	80,0	48,1
4	Қўқон	1	X	-	X	4	X	1	-	1,2
	<i>туманлар</i>									
5	Бағдод	592	95,2	25285	100,1	13852	103,2	-	X	40,8
6	Бешариқ	636	100,5	29199	99,7	17966	101,5	2	X	41,3
7	Бувайда	256	83,1	19758	99,9	12156	104,3	-	X	36,7
8	Данғара	362	116,4	25394	98,6	17365	100,0	-	X	37,3
9	Ёзёвон	407	116,3	20953	101,3	11580	99,9	2	X	43,6
10	Олтиариқ	400	105,0	21337	99,8	16219	101,5	7	63,6	28,3
11	Риштон	520	98,8	23660	99,9	15846	101,5	26	108,3	38,2
12	Сўх	310	109,9	1505	100,1	1616	119,4	4	200,0	12,5
13	Тошлоқ	352	100,6	16532	100,1	12145	105,5	1	100,0	38,3
14	Учкўприк	440	107,8	20668	100,9	13667	104,2	3	3м	35,3
15	Фарғона т.	766	98,8	26403	101,0	15939	92,4	8	32,0	39,7
16	Фурқат	235	99,2	17704	100,0	10886	103,3	-	X	44,3
17	Ўзбекистон	718	95,9	22212	101,2	14654	123,5	-	X	35,1
18	Қува	647	105,7	23881	99,0	14498	103,3	10	3,3м	42,8
19	Қўштепа	381	113,1	25063	100,1	10500	98,6	5	X	36,2

Манбаа: Фарғона вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари.

Жадвалдаги маълумотларга кўра, 2012 йил бошига Фарғона вилоятида жами 7752 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 2011 йил бошига нисбатан 0,2 % кўпайган. Уларга бириктирилган жами ер майдони 337030 га ни ташкил этади, бу кўрсаткич бўйича ҳам 0,2 % ўсишга эришилган. Уларда ишлайдиган ҳодимлар сони 208022 кишидан иборат бўлиб, 2011 йил бошига нисбатан 2,8 % ўсишга эришилган. 2012 йилнинг бошига фаолиятини тугатган хўжаликлар сони 74 та бўлиб, 2011 йил бошига нисбатан 54,3 % га камайган. Фермер хўжаликлари вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 35,5 фоизини етиштириб бермоқдалар.

Фарғона вилоятида фермер хўжаликлари ихтисослашуви бўйича 2012 йил 1 апрел ҳолатига қуйидагича тақсимланган (3-жадвал):

Жами фермер хўжаликлари сони 7787 та бўлиб, бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 43,5 гектарга тенг, шундан: пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 2942 тани, бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 90,1 га ни; сабзавотчилик ва полизчилик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари сони 336 тани, бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 12,5 га ни; боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 3662 тани, бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 12,9 га ни; чорвачилик бўйича фермер хўжаликлари сони 628 тани, бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 24,6 га ни; бошқа йўналишлар бўйича эса фермер хўжаликлари сони 219 тани, бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони эса 31,0 га ни ташкил этмоқда.

	Жами фермер хўжаликлари		Фарғона вилояти бўйича фермер хўжаликларининг ихтисослашуви тўғрисида маълумот, 2012 йил 1 апрел ҳолатига									
			пахтачилик ва ғаллачилик бўйича		савзавотчилик ва полизчилик бўйича		боғдорчилик ва узумчилик бўйича		чорвачилик бўйича		бошқа йўналишлар бўйича	
	сони	1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони,га	Сони	1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони,га	сони	1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони,га	сони	1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони,га	сони	1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони,га	сони	1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони,га
Фарғона вилояти	7787	43,5	2942	90,1	336	12,5	3662	12,9	628	24,6	219	31,0
<i>шаҳарлар:</i>												
Фарғона ш	66	39,6	1	121,0	29	60,1	26	27,1	8	3,8	2	8,0
Қувасой ш	656	22,7	121	44,2	10	12,1	493	14,9	24	63,4	8	70,9
Қўқон ш	1	0,0							1			
<i>туманлар:</i>												
Боғдод	522	48,9	226	80,3	7	22,1	214	21,0	67	25,5	8	125,9
Бешариқ	662	44,8	250	97,5	21	8,0	274	12,7	92	8,6	25	34,3
Бувайда	258	76,6	171	103,7	7	5,3	45	6,3	29	38,0	6	99,3
Данғара	357	70,9	184	126,9	9	12,3	79	9,3	33	30,5	52	1,8
Ёзёвон	391	52,3	251	71,3	15	14,0	75	12,5	44	29,1	6	23,2
Олтиариқ	401	52,4	160	112,6	16	13,5	188	10,4	26	26,0	11	14,4
Қўштепа	384	65,3	229	100,7	17	6,4	116	9,7	16	27,0	6	57,7
Риштон	560	41,1	222	83,2	14	11,9	272	12,7	44	15,4	8	30,5
Сўх	310	4,7	2	23,0	105	3,2	187	4,9	16	10,7	0	#ДЕЛ/0!
Тошлоқ	369	44,9	178	82,4	8	4,1	135	7,5	43	17,7	5	18,8
Учкўприк	451	46,5	242	73,6	5	25,2	170	13,4	15	41,5	19	6,2
Фарғона	753	35,6	271	69,6	24	7,9	411	16,8	25	25,9	22	10,5
Фуркат	241	73,7	156	98,0	9	17,0	32	5,4	36	37,4	8	100,5
Ўзбекистон	746	30,3	129	105,8	32	7,8	528	12,2	44	44,2	13	23,2
Қува	659	38,5	149	122,1	8	11,0	417	12,4	65	10,9	20	60,7

Манбаа: Фарғона вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари

2.2. Фарғона вилоятида мева ва сабзавотларни қайта ишлаш саноатининг хом-ашё базасини яхшилаш масалалари

Республикаимизнинг ҳар бир вилоятида қайта ишлаш учун жуда катта миқдорда хом ашёлар яратилган ва яратилиб келинмоқда. Бунга мисол тариқасида биргина Фарғона вилоят қишлоқ хўжалигини мисол қилиб олиш мумкин. Фарғона вилоятида 2005 йил қишлоқ хўжалигида 227487 млн. сўмлик, 2011 йилда 1 трлн. 605 млрд. 400 млн. сўмлик маҳсулот етиштирилди. Энди агар биз мана шу маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот ҳолатига келтирсак бу рақамалар янада каттарок тус олади. Зеро қайта ишлаш натижасида маҳсулотга янги қиймат қўшилади, шакли ўзгаради ва ҳоказо.

Қайта ишлаш соҳасида қишлоқ хўжалигининг асосан қуйидаги тармоқлари шаклланмоқда:

1. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш:

- қурилган маҳсулот ишлаб чиқариш;
- консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- вино ва шарбат ишлаб чиқариш.

2. Сут маҳсулотларини қайта ишлаш.

3. Гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш.

Фарғона водийси азалдан ажойиб табиатига эгадир. Бу табиат инсонларга турли хил мева ва сабзавотларни етиштириш учун қулай бир шароит яратиб берган. Фарғона водийсида мева ва сабзавотларнинг деярли ҳамма тури етиштирилиб келинади.

Мамлакатимизда етиштирилган қўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маҳаллий бозорларда йил давомида жуда арзон нархларда сотилиб келинади. Бу эса деҳқон ва фермерларнинг даромадига жуда катта салбий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш тармоқлари ичида энг каттаси бу мева ва сабзавотларни консерва қилиш

тармоғи ҳисобланади. Малакатимизни маҳаллий консерва маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда жаҳон бозорига консерва маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳияти жуда каттадир. Мамлакатимизда етиштирилаётган экологик соф маҳсулотлардан консерва маҳсулотларини тайёрлаш жуда арзон нархларга тушади.

Мамлакатимизнинг қуруқ мева ва сабзавотларни экспорт қилиш салоҳияти ҳам жуда каттадир. Айтиб ўтганимиздек, мамлакатимизда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари жуда арзон баҳолар етиштирилади. Мисол тариқасида биргина бақлажон етиштирилган вақтида 25-30 сўмни ташкил қилади. Агар бу маҳсулот қурилса унинг бир килограми 10-15 баробар қимматга тўхтайдиган. Жаҳон бозорида эса бу маҳсулотнинг нархи 2500-5000 сўмгача боради. Бу нарх-наволар деярли ҳамма мева ва сабзавотларга тегишлидир.

Шундай бўлсада, 2011 йилда Фарғона вилоятида барча тоифа хўжаликларида 276879 тонна мева, 71216 тонна узум, 520065 тонна сабзавот, 188982 тонна картошка, 49704 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди. (4-5-жадваллар).

Вилоятда 2011 йилда қайта ишлаш корхоналар, агрофирмалар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар олиш бўйича шартномалар тузилди (6-жадвал).

Агрофирмалар томонидан жами 32,1 минг тонна (3,3 млрд. сўмлик) мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш учун шартномалар тузилиб, 52,3 минг тонна (18,5 млрд. сўмлик) маҳсулотлар сотиб олинди.

Олтиариқ туманидаги “Фруктовый рай” агрофирмаси томонидан 36,9 минг тонна 13,2 млн. АҚШ долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.

“Мевасабзавоттайёрловсавдо” компанияси томонидан жами 44,5 минг тонна (шундан экспортга 36,9 минг тонна, ички бозорга 6,5 минг тонна, қайта ишлашга 1,1 минг тонна) мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Фарғона вилоятида 2011 йилда мева, узум, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогноз
кўрсаткичларини бажарилиши

№	Шахар ва туманлар номи	Мева ишлаб чикариш, тонна					Узум ишлаб чикариш, тонна				
		2010 йил хакикатда	2011 йил				2010 йил хакикатда	2011 йил			
			Режа	Хакикатда	Ўсиш суръати, %			Режа	Хакикатда	Ўсиш суръати, %	
					Режага нисбатан	2010 йилга нисбатан				Режага нисбатан	2010 йилга нисбатан
1	Марғилон	3521	3800	3597	94,7	102,2	1969	1800	2024	112,4	102,8
2	Фарғона	5899	7000	6148	87,8	104,2	362	400	378	94,5	104,4
3	Кувасой	37966	40000	44510	111,3	117,2	2920	3600	2234	62,1	76,5
4	Қўқон	171	245	256	104,5	149,7	141	150	144	96,0	102,1
5	Богʻдод	18171	20000	18947	94,7	104,3	4133	3600	4284	119,0	103,7
6	Бешарик	19104	19500	19435	99,7	101,7	589	350	346	98,9	58,7
7	Бувайда	3829	4000	4013	100,3	104,8	4630	3000	4708	156,9	101,7
8	Дангара	6474	6000	6873	114,6	106,2	3191	3100	3490	112,6	109,4
9	Ёзёвон	5354	6800	5579	82,0	104,2	2001	2000	2042	102,1	102,0
10	Олтиарик	7623	6700	8504	126,9	111,6	12138	13000	14779	113,7	121,8
11	Куштёпа	9283	9500	9793	103,1	105,5	10716	11000	12301	111,8	114,8
12	Риштон	20508	22500	22551	100,2	110,0	1083	1000	1461	146,1	134,9
13	Сух	7136	9000	7537	83,7	105,6	185	150	113	75,3	61,1
14	Тошлок	9463	9000	10416	115,7	110,1	3003	3200	3462	108,2	115,3
15	Учкуприк	8890	10150	9371	92,3	105,4	1321	850	1332	156,7	100,8
16	Фарғона	33824	33505	36451	108,8	107,8	6357	6500	6818	104,9	107,3
17	Фуркат	1940	2400	2194	91,4	113,1	611	600	624	104,0	102,1
18	Ўзбекистон	17883	20500	19890	97,0	111,2	8047	8500	8343	98,2	103,7
19	Кува	39372	34000	40814	120,0	103,7	2542	2900	2333	80,4	91,8
Вилоят жами:		256411	264600	276879	104,6	108,0	65939	65700	71216	108,4	108,0

4-жадвалнинг давоми.

№	Шаҳар ва туманлар номи	Сабзавот ишлаб чиқариш, тонна					Картошка ишлаб чиқариш, тонна					Полиз ишлаб чиқариш, тонна				
		2010 йил ҳақиқатда	2011 йил				2010 йил ҳақиқатда	2011 йил				2010 йил ҳақиқатда	2011 йил			
			Режа	Ҳақиқатда	Ўсиш суръати, %			Режа	Ҳақиқатда	Ўсиш суръати, %			Режа	Ҳақиқатда	Ўсиш суръати, %	
					Режага нисбатан	2010 йилга нисбатан				Режага нисбатан	2010 йилга нисбатан				Режага нисбатан	2010 йилга нисбатан
1	Марғилон	7880	8500	8084	95,1	102,6	3161	3300	3464	105,0	109,6					
2	Фарғона	24188	30000	31892	106,3	131,9	6534	6700	6546	97,7	100,2	865	400	524	131,0	60,6
3	Қувасой	17975	22500	29328	130,3	163,2	12587	14100	14666	104,0	116,5	165	100	1250	1250,0	757,6
4	Қўқон	4654	5400	4938	91,4	106,1	348	300	353	117,7	101,4					
5	Боғдод	20905	24000	26196	109,2	125,3	9769	7200	11414	158,5	116,8	3150	5200	3544	68,2	112,5
6	Бешарик	18685	31000	21127	68,2	113,1	15141	18215	16450	90,3	108,6	1996	2500	2293	91,7	114,9
7	Бувайда	19490	22500	22309	99,2	114,5	10451	11650	12266	105,3	117,4	4069	3500	4384	125,3	107,7
8	Дангара	20141	25000	22763	91,1	113,0	9624	10880	10663	98,0	110,8	2585	3900	2652	68,0	102,6
9	Ёзёвон	20873	28000	21308	76,1	102,1	8130	9100	8880	97,6	109,2	11361	11000	11415	103,8	100,5
10	Олтиарик	80642	72000	88682	123,2	110,0	4635	6250	5469	87,5	118,0	980	1000	1436	143,6	146,5
11	Куштөпа	18925	23000	19838	86,3	104,8	7225	7700	8300	107,8	114,9	2124	1300	2341	180,1	110,2
12	Риштон	45229	48000	48582	101,2	107,4	2378	3050	3202	105,0	134,7	1195	1100	1341	121,9	112,2
13	Сух	5753	6500	5812	89,4	101,0	18320	20435	19865	97,2	108,4					
14	Тошлок	31571	33500	32401	96,7	102,6	15245	18600	16010	86,1	105,0	3781	2300	3806	165,5	100,7
15	Учкуприк	24930	24000	25665	106,9	102,9	8330	8600	8848	102,9	106,2		800	1374	171,8	
16	Фарғона	25478	28000	33640	120,1	132,0	10398	10380	11347	109,3	109,1	2245	1500	2274	151,6	101,3
17	Фуркат	12681	19000	13802	72,6	108,8	8619	12040	9693	80,5	112,5	1192	2100	1545	73,6	129,6
18	Ўзбекистон	25653	29000	28277	97,5	110,2	7119	8500	8818	103,7	123,9	5155	5200	5674	109,1	110,1
19	Кува	33695	35000	35421	101,2	105,1	12058	12000	12728	106,1	105,6	3642	4000	3851	96,3	105,7
Вилоят жами:		459348	514900	520065	101,0	113,2	170072	189000	188982	100,0	111,1	44505	45900	49704	108,3	111,7

Манбаа: Фарғона вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари

3-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Агросаноат мажмуаси тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда шартномаларнинг ўрни ва мулкый жавобгарлик

Мамлакатимизда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар, жумладан, фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, фермер хўжалиги ўз фаолиятини амалга оширар экан ўзига зарур бўлган хом ашёни сотиб олади ва унга турли хизматлар кўрсатилади. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни бошқа корхона ҳамда ташкилотларга сотади. Бу жараёнлар, албатта, икки томоннинг ўзаро келишуви, яъни шартномалар орқали тартибга солинади.

Амалдаги шартномаларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузиш учун куйидаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар дастуруламал бўлади:

- Фуқаролик кодекси;
- “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Қонун;
- “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонун;
- “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).

Фермер хўжалиги билан бошқа корхона ва ташкилотлар ўртасида тузиладиган барча шартномаларни урта катта гуруҳга ажратиш мумкин. Улар: контрактация шартномалари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш юзасидан тузиладиган шартномалар ва хизматлар кўрсатиш бўйича

тузиладиган шартномалардир.

Контракция шартномаси бўйича фермер хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи шахсга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган муддатларда бериш мажбуриятини олади, тайёрловчи эса муайян нарх бўйича келишилган муддатларда ҳақ тўлаб ушбу маҳсулотларни сотиб олиш мажбуриятини олади.

Моддий-техника ресурслари (эхтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқалар) етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома бўйича етказиб берувчи ташкилот фермер хўжалигига ўзи ишлаб чиқарадиган ёки харид қиладиган моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади, хўжалик эса моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартнома бўйича бажарувчи ташкилот фермер хўжалиги буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини олади, хўжалик эса ушбу ишлар (хизматлар) ни қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Контракция шартномалари, шунингдек, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес режаларида назарда тутилган хажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календарь йил бошланишидан кечикмай тузилади.

Айниқса, контрактация шартномаларини тузиш ҳамда уни бажариш борасида кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, баъзида уларни номигагина тузиш ҳоллари давом этаётганлиги, шартнома мажбуриятларини бузган тарафларга нисбатан кўпинча тегишлича ҳуқуқий чоралар қўрилмаётганлиги ва уларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилмаётганлиги кузатилмоқда. Оқибатда, хўжаликлар маҳсулотларни ёхуд хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган миқдор, сифат ва муддатларда етказиб бермаётган ёки бажармаётган бўлса, тайёрловчи ёки истеъмолчи хўжаликка аванс ҳамда олган маҳсулоти ёки бажарган хизмат ҳаққини, кийматини ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари учрапти.

Шартнома тузишда ва унинг бажарилишида қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади. Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш муддатлари, миқдори ва ассортиментини белгиловчи, иккала томоннинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади.

Хўжаликларнинг розилиги билан моддий-техника ресурслари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва хўжаликлар томонидан қабул қилинган моддий-техника ресурсларига ҳақ тўланади ва кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига ўтказилади. Фермер хўжалиги муддатлари бузилган ва зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган моддий-техника ресурсларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулот етказиб бериш, тегишли хизматлар кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бу ҳақда

буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида бир кун олдин хабардор қилинади. Фермерларнинг юқори ҳосил ва пировардида юқори фойда олишлари уларга зарур бўлган моддий-техника ресурслари ўз вақтида, керакли миқдорда етказиб берилиши ва механизация ишларини ўз муддатларида ҳамда сифатли кўрсатилишига боғлиқ.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари томонидан тузилган шартномаларнинг бажарилиши ва унда фермернинг манфаатлари иккинчи даражага тушиб қолмаслиги учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- фермер хўжаликларининг фаолиятини шартномавий муносабатлар асосида ташкил этиш, шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ кўрсатиш;
- фермер хўжалиги раҳбарларининг ҳуқуқи ва ҳуқуқий онгини ривожлантириш мақсадида уларга ўқув курслари ташкил этиш;
- фермер хўжаликлари билан моддий ресурслар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида зиддият келиб чиққан ҳолларда хўжалик судлари томонидан ҳолисликни таъминлаш ва бошқалар.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари шартнома мажбуриятлари, шунингдек, шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Бундан ташқари, адлия идоралари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ташкилотлар томонидан шартномаларнинг тўғри тузилиши, бажарилиши бўйича доимий мониторинг юритилиб, назорат олиб борилмоқда. Фермер хўжалиги раҳбарлари шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни яхши билиши ва ўзининг шартномавий ҳуқуқлари

бузилганда зудлик билан тегишли идораларга мурожаат қилиши лозим. Бу ҳолат уларнинг шартномавий муносабатларда иқтисодий томондан зарар кўришини, йил якуни бўйича ўз шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун бошқа ташкилотлар олдида жавобгар бўлишининг олдини олади.

3.2. Агросаноат мажмуаси корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда банк кредитларининг ўрни ва уларни такомиллаштириш

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида, банк тизими тубдан ислох қилинди. Маълумки, ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги капиталнинг тармоқдан-тармоққа ўтиш имкониятлари чекланган. Лекин ҳар доим иқтисодий ресурсларни, энг аввало, капитални тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарур бўлган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ссуда капитали қарзга бериладиган пул капитали ҳаракатланишининг шаклларида ҳисобланади. Кредитлаш орқали аҳолининг, корхоналарнинг ва давлатнинг бўш турган маблағлари банкларда, турли жамғармаларда тўпланади ҳамда муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун хўжалик юритиш субъектлари ўртасида бозор тамойилларига асосан тақсимланади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити бажаради.

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш улар фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бу қишлоқ хўжалиги корхонаси ва кредит ташкилоти ўртасида тегишли шартномавий муносабатларни шакллантириш орқали ўрнатиладиган молиявий муносабатдир. Бу муносабатларнинг марказий бўғини **кредит шартномаси** бўлиб, у ссуданинг таъминланганлиги, кредитлар ўз вақтида фоизи билан қайтарилишининг ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

Тижорат банклари томонидан кредит бериш **муддатлилик, қайтаришлик, тўловлилик ва таъминланганлик** тамойиллари асосида амалга оширилади.

Муддатлилик тамойили шуни билдирадики, кредитлар тақдим этиш муддатига кўра қисқа, ўрта ва узоқ муддатлига ажратилади.

Қисқа муддатли кредитлар, одатда, жорий ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида, нисбатан юқори фоизларда ва бир йилгача муддатда қайтариш шarti билан берилади.

Ўрта муддатли кредитлар 1 йилдан 5 йилгача муддатга, ишлаб чиқаришнинг хусусияти сарфланган инвестицияларни шу муддат ичида тўла қоплаш имконини берадиган соҳаларга берилади.

Узоқ муддатли кредитлар 5 йилдан кўп муддатга, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун, одатда, ишлаб чиқаришни техник куроллантириш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш мақсадларига берилади.

Айрим ҳолларда давлат қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аграр соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли кредитларни қайтариш муддатини узайтиришга имконият яратади. Хусусан, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун айланма маблағларни тўлдиришга бериладиган қисқа муддатли кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга берилса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган бундай кредитлар, одатда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Аммо, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган фаолияти учун олинган кредитдан фойдаланиш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойдан ошмаслиги керак.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида белгиланади.

Кредитларни олиш учун қарз олувчилар банкка қуйидаги ҳужжатлар (кредит пакети)ни тақдим этадилар:

- кредит буюртмаси;
- қарз олувчининг банк ҳисоб варағидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес-режаси;
- охириги ҳисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ, муддатдаги қарздорликнинг солиштирма далолатномалари;
- молиявий натижалар ҳақида ҳисобот;
- таъминот шаклларида бири.

Ўтган давр мобайнида фермерлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини янада ривожлантириш, молиявий ресурслар билан таъминлаш, кредитлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги “Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзларини бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 366-сонли қарорига асосан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртманомалар берган фермер хўжаликларига берилмоқда.

Кредит шаклларида бири микрокредитдир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банк

йўриқномаларига кўра, тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериладиган кундаги курси бўйича 5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади

Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 10000 (ўн минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш хусусий тадбиркориликни янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнесни ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, аҳоли кенг қатламларининг, шу жумладан қишлоқ жойларида, молиявий ресурслардан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида кредитлар ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарори билан тасдиқланган “Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида” вақтинчалик низом асосида амалга оширилади.

Фойдаланиш йўналишларига кўра микрокредитлар:

- бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун;
- бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлидиришга берилади.

Бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун микрокредитлар фермер хўжаликларига йилига 5 фоиз ставка бўйича 18 ой муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда берилади.

Микрокредитлар бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига

(микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 24 ой муддатгача, энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда берилади.

Имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кичик бизнес субъектларига 3 йилгача муддатга, Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда кўрсатилади.

Микрокредитлар ва микролизинг:

- илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни тўлашга;
- тамакичилик ва алкоголли ичимликларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга;
- лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этишга берилмайди.

Микрокредитлар нақд пулда ёки нақд пулсиз шаклда берилиши мумкин.

Микрокредитлар товар-моддий бойликлар, хизматлар ва ишлар учун тўлов топшириқномаларини нақд пулсиз шаклда тўлаган ҳолда алоҳида ҳисоб рақами очиш ёки банк кассаси орқали ҳаражат далолатномаси бўйича нақд маблағ бериш йўли билан берилади.

Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш ҳаражатларини тижорат банклари томонидан кредитланмоқда. Тижорат банклари томонидан ушбу кредитлар қишлоқ хўжалик корхоналарига муддатлилик, таъминланганлик, ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида ғалла ва пахта етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш мақсадида берилади.

Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) миқдорда берилади.

Бунда, кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

- пахта хом ашёсини етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар пахта хом ашёсининг 10 фоизгача, 1 апрелига қадар 25 фоизгача, 1 июлга қадар 50 фоизгача ва 1 сентябрга қадар 60 фоизгача;
- ғалла етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 35 фоизгача, 1 апрелига қадар 50 фоизгача ва 1 июнга қадар 60 фоизгача.

Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади. Янги харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори кредит олувчининг талабига кўра қайта ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

Фермер хўжаликлари фаолиятида кредит олишда учрайдиган энг катта қийинчиликлардан бири кредит олиш учун гаров таъминоти етарли эмаслигидир. Фермер хўжаликларига ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида зарур бўлган айланма маблағларини тўлдириш учун 2 йилдан кам бўлмаган муддатга, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун 5 йилгача бўлган муддатга, қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш фаолиятида 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кредит олишлари мумкин.

Ижара ҳуқуқининг баҳоси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/17-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ аниқланади. Фермернинг ижара ҳуқуқи баҳоси ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилади.

“Фуқаролик кодекси”нинг 546-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи

ижарага (қўшимча ижарага) топширишга, мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (кайта ижара), ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун беришга, шунингдек, бу ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари устав фондига (капиталига) ҳисса сифатида ёки ишлаб чиқариш кооперативига пай бадали сифатида топширишга ҳақли.

Фермер хўжаликлари айланма маблағларини шакллантириш, ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бўлғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда кредит олишлари мумкин.

Бўлғуси ҳосилни гаровга олган кредитлар давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирадиган фермер хўжаликлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олиши, хоҳласа давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган ҳосилни гаровга қўйиб тижорат банкидан кредит олиши ёки ҳар иккала манбадан бир вақтнинг ўзида кредит олиш имкониятига эга бўлади.

Бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда бериладиган кредитлар давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган фермер хўжаликларига ғалла етиштириш учун “Ўздонмаҳсулот” тайёрлов корхоналари билан тузилган контрактация шартномаси суммасининг 30 фоизигача миқдорида, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжаликларига контрактация шартномаси суммасининг 80 фоизигача миқдорда кредит берилиши мумкин.

Жамғарма кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган пахта хом ашёси етиштирадиган фермер хўжаликларига ушбу кредит контрактация шартномаси суммасининг 20 фоизигача миқдорларда, ушбу

кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжаликларига бериладиган кредит контракция шартномаси суммасининг 70 фоизигача миқдорда берилади.


Кредитлар 1,5 йилгача (18 ой) бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз миқдорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи жойлашган манзил бўйича берилади.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда қўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалангани учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;
- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган, энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;
- янги ташкил этилган, юримдик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, фермер хўжаликларига эса 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди;
- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларининг олдиндан 3 фоизли имтиёзли ставка билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини ҳам янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси маълумотларига кўра, 2003-2011 йилларда республикада давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 миллиард сўмдан 2011 йилда 1 598,8 миллиард сўмга ошди (3-расм):¹⁰



3-расм. Ўзбекистонда 2003-2011 йилларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар, миллион сўмда

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси тижорат кредитлари фоиз ставкасидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ўқув қўлланма. Т.: - 2012.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида қуйидаги хулосаларга келинди ва улар асосида таклифлар ишлаб чиқилди.

Республикамиз агросаноат мажмуасида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, бозор муносабатларини янги, замонавий босқичга кўтариш учун мамлакатимиз ҳудудлари бўйича кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналарида самарали ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва бу билан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга қаратилган бўлиб, бу мақсадга эришишда агросаноат мажмуаси бозор инфратузилмаси самарадорлигини янада ошириш зарур.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, унинг самарадорлигини юксалтиришда моддий-техника ресурсларининг, фан-техника тараққиётининг ҳамда илғор инновацион технологияларнинг аҳамияти беқиёс. Уларсиз қишлоқ хўжалигида кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Ислохотлар республикамизнинг барча минтақаларида кутилаётган натижани бермаётганлиги бугунги кунда барчамизга аён. Бунинг асосий сабаби аҳолининг маълум бир гуруҳларида эскича фикрлаш, боқимандалик, мулкка нисбатан тўғри муносабатда бўлмаслик ва бошқарилишга ўрганиб қолганликда кўринади. Бунинг натижасида эса Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда юртимизда иқтисодий ислохотлар ўтказишда бирмунча қийинчиликларга дуч келинди. Шундай бўлсада, мамлакатимизда хусусий мулкчиликка асосланган бозор муносабатларига ўтиш аста-секинлик билан амалга ошириб борилди ва бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатга эса хом ашё етказиб бериш билан бир пайтда, бозорни тўйинтиришда бевосита ҳамда билвосита қатнашади. Биз буни қишлоқ хўжалигида

етиштирилаётган мева-сабзавотлар мисолида кўриб чиқдик. Бу борада ҳам юртимизда, жумладан биз яшаб турган Фарғона водийсида ўзига хос ютуқ ва камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги вақтда маҳсулотни узоқ вақт сақлашга имкон берадиган такомиллаштирилган технологиялар ишлаб чиқилган. Бу борада кимё, физика, биокимё, биотехнология ва бошқа фанларнинг ютуқларидан ижобий фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон шароитида ҳанузгача қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йиғиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш масалалари чуқур ўрганилмаяпти, бу борадаги фан-техника ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмаяпти. Мавжуд омборхоналар ҳам маҳаллий об-ҳаво ва иқлим шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилган.

Мева ва сабзавотларни сақлашдаги асосий вазифа — уларнинг физикавий ва кимёвий таркибини, яъни ташқи кўриниши, ранги, мазаси ҳамда озиқ-овқатлик қиймати ва бошқа хусусиятларини сақлаб қолишдан иборат. Шу сабабли мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлашни тўғри ва илмий асосда ташкил қилиш, аҳолини йил мобайнида ушбу маҳсулотлар билан таъминланиш муаммосини ҳал қилади.

Сабзавот ва мевалар тез бузиладиган маҳсулотлар ҳисобланади. Шу сабабли уларни узоқ муддат сифатли сақлаш учун қайта ишланади. Қайта ишлашнинг асосий мақсади тез бузиладиган мева ва сабзавотларни узоқ вақт ундаги витамин ва бошқа қимматли таркибий қисмларини сақлаш ҳамда уларда турли хил микроорганизмлар ривожланишининг олдини олишдан иборатдир. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаб халқнинг уларга бўлган талабини йил бўйи қондириш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг рентабеллик даражаси қарийб 40-45 фоизга етгандагина хўжаликни бозор муносабатларига ва тижорат талабларига мос даромад олишини таъминланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, шу жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида

юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, имтиёзли кредитлар бериш, фермер хўжаликларига микролизинг хизматларини кўрсатиш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш ссудаланган маблағларни ўз вақтида банкларга қайтарилишини таъминловчи тўлов имтизомини мустахкамлашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур. Бизнинг фикримизча, айланма маблағларни тўлдираётган қисқа муддатли кредитлар билан бир қаторда узоқ муддатли кредитларни 40 фоизга ошириш лозим. Бу эса асосий воситаларни тўлдириб туриш ва айланма маблағлардан фойдаланишни бир тизимга келтириш орқали маҳсулот таннархи таркибига таъсир этади.

Шунингдек, агросаноат мажмуасида бозор муносабатларини истиқболли ривожлантириш учун шартномалардан ҳам унумли фойдаланиш даркор. Бу борада ҳам мамлакатимизда ҳуқуқий база яратилган бўлиб, қолган муаммоларни ҳал этиш шартнома тузувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги келтирилган ҳулосалардан келиб чиқиб, муаммоларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда қуйидаги таклифларни келтириб ўтамиз. Жумладан:

1. АСМ да бозор муносабатларини янада ривожлантириш учун бозор инфратузилмаси таркибини чуқурроқ ўрганиш, кенгайтириш ва ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ҳам бозорга кенгроқ жалб қилиш зарур. Бунинг учун аҳоли истеъмоли учун керакли маҳсулотларни етиштириш, деҳқон бозорларини кўпайтириш, ташиш, сақлаш каби ҳаражатларни камайтириш керак.

2. Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг анчагина қисми тайёрлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиш жараёнида йўқотилаётганлигини ҳисобга олиб, бу жараёнда энг зарур бўлган идишлар ва идиш жойлаш материаллари билан

таъминлашни яхшилаш борасида алоҳида тадбир ишлаб чиқиш ва унинг ечимини ҳокимликлар, зарур бўлса ҳукумат миқёсида кўриб чиқиш зарур.

3. Давлат эҳтиёжига етиштириладиган маҳсулот қийматининг (шартномага асосан) 70 - 80 фоизи миқдорида имтиёзли (йиллик фоизи камайтирилган) кредит бериш механизмини жорий этиш керак. Бериладиган имтиёзли кредитларга бир йилга бир маротаба кредит линияларини очиш, банк кредит линиясида кўрсатилган суммага йиллик 2 фоиз олиш (кредит қачон ва қанча олинishiдан қатъий назар) керак. Хўжаликлар технологик жараёнларга мос равишда талабномага асосан керакли суммани йил давомида олиши ва олинган маблағга олинган даврдан бошлаб йиллик 5 фоиз устама тўлаши лозим.

4. Хўжаликлар томонидан давлат эҳтиёжидан ташқари бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда қисқа ва узоқ муддатли кредитлар билан таъминлаш механизми ҳам ишлаши лозим. Бунда биринчидан, қисқа муддатли кредит беришни асосан етиштирилаётган маҳсулотни гаровга қўйиш ва кредит фоизларини 12 фоиздан оширмаслик шarti билан белгилаш, иккинчидан, хўжаликларга уларни мол-мулкини гаровга қўйган ҳолда узоқ муддатли (6 — 8 йил) махсус (техника сотиб олиш, илғор технологияни жорий қилиш, ирригация ва мелиорация тизимларини таъмирлаш, янги ер ўзлаштириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва хоказо) йиллик фоизлари пасайтирилган (10— 12 фоиз) кредитлар бериш, бунда кредитни қайтариш муддатини учинчи йилдан бошлаб белгилаш лозим.

5. Шулар қаторида, фермерлар шарномавий муносабатларни тартибга солиб турувчи меёрий ҳужжатларни яхши билиши ва ўзининг шартномавий ҳуқуқлари бузилганда зудлик билан тегишли ташкилотларга мурожаат қилиши лозим. Бу унинг шартномавий муносабатларда иқтисодий зарар кўришининг, йил якуни бўйича ўз шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун бошқа ташкилотлар олдида жавобгар бўлишининг олдини олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент – “Ўзбекистон” – 1992 й.
2. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент - 1998 й.
3. “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент - 1998 й.
4. “Давлат ер Кадастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент - 1998 й.
5. “Хусусий корхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси. 2004 йил 23 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари.

6. “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 сентябрдаги ПФ-3342 сонли фармони. “Халқ сўзи” газетаси - 2003 йил 28 сентябр.
7. “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-215-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 45-сон (181) 2005 йил ноябрь.
8. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006 йил 23 март.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1046-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1474-сонли қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1717-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора тадбирлари тўғриси”даги 424-сонли Қарори, 2000 йил 2 ноябрь.
14. “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори. “Халқ сўзи” газетаси - 2002 йил 8 август.
15. “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори. “Халқ сўзи” газетаси - 2003 йил 1 ноябр.
16. “2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2009 йил 13 февраль.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари ва асарлари.

17. И.А.Каримов. “Деҳқончилик тараққиёти - фаровонлик манбаи”. Т.- “Ўзбекистон” - 1994.
18. И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент - “Ўзбекистон” - 1995.
19. И.А.Каримов. “Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз”. “Халқ сўзи” газетаси, 2004 йил 10 февраль.
20. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2009 йил 14 февраль.
21. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент - “Ўзбекистон” - 2009.
22. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январь.
23. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.: НМИУ, 2011.

5. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар.

24. Эшмухаммедов А. ва бошқалар “Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг ривожланиши”. Т.: 1996 й.

- 25.Расулов М. “Бозор иқтисодиёти асослари”. Т.: 1999 й.
- 26.Проф. М. Адхамов, “Лойиха тахлили”. Фарғона - 2002 й.
- 27.Б.Салимов, Н.Ўраков. “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” Т.: ТДИУ, 2004 й
- 28.Р.Хакимов, М.Отакулов ва бошқалар. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”. Т.: 2004 й.
- 29.Б.Салимов, Қ.Хамдамов ва бошқалар. “Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисоди”. Т.: 2004 й.
- 30.Абдуғаниев А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. Дарслик. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошидаги Адабиёт жамғармаси, 2004.
- 31.Ф.Маманов ва бошқалар. “Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари”. Т.: А.Навоий, 2007 й.
- 32.Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. “Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари”. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007 й.
- 33.Рашидов О.Ю., Тожиев Р.Р. “Ўзбекистон Республикасида микрокредитлаш тизими ва уни ривожлантириш йўллари”. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007 й.
- 34.Салимов Б.Т., Абдуғаниев А., Юсупов М.С. “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари”. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007 й.
- 35.“Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ўқув қўлланма. Т.: 2011 й.
- 36.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ўқув қўлланма. Т.: 2012 й.

6. Илмий мақолалар ва анжуман тезислари.

37. “Агросаноат мажмуасида бозор инфратузилмаси хизматларининг долзарблиги”. Марказий банк Бухоро вилоят Бош бошқармаси бошлиғи М.Р.Абдуллаев, БухДУ К.Б.Дилмонов, “Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш”. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 18-19 апрел, 2005 й.

38. Бўтабоев М. “Тижорат банкларининг фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги ўрни”. ФДУ, “Хабарлар” илмий журнали. Фарғона, 2006 й.

6. Статистик маълумотлар тўплами ва интернет маълумотлари.

39. Фарғона вилоят Статистика бош бошқармаси маълумотлари. 2010-2011 йй.

40. Фарғона вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бош бошқармаси маълумотлари. 2010-2011 йй.

41. www.agro.uz - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти.

42. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Хокимияти портали.

43. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари Миллий базаси.

44. www.uza.uz - Ўзбекистон Республикаси Ахборот агентлиги.

45. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

46. www.agroleasing.uz – “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” Акциядорлик Лизинг компанияси расмий сайти.

47. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.